

## ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УНИНГ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТАҲЛИЛИ

**А.Тўйчиев**

*Гулистон давлат унверситети технологик ва мактабгача таълим  
кафедраси катта ўқитучиси*

**Аннотасия:** ёшларни касбий йўналганлигини таъминлаш жамиятда ҳам шахсга хос иқтидор ва қобилиятига мувофиқ таълими тизимини ривожланиш ижтимоий педагогик янги ва замонавий ёндашувларни тақозо этмоқда.

**Калит сўзи:** ўзини ўзи англаш профессионал таълимни ташкиллаштириш илмий ёндашувларни амалий жиҳатдан таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Информацион жамиятда ёшларни касбий йўналганлигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш бутун дунёда глобал масалалардан бўлгани каби, бизнинг жамиятда ҳам шахсга хос иқтидор ва қобилиятига мувофиқ таълими тизимини ривожланиш ижтимоий педагогик, психологик ва социологик фанларнинг илмий тадқиқот объектига айланиб, янги ва замонавий ёндашувларни тақозо этмоқда.

Бу эса ўз навбатида, ушбу масалада хориж тажрибаларини ўрганиш уларни илмий, амалий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этишни, ёшларни касбий ўзини ўзи англаш, ёш хусусиятларига мувофиқ индивидуал ривожлантириш, жамият ва давлат манфаатларига монанд профессионал таълимни ташкиллаштириш масалаларини ҳар томонлама ўрганиш ижтимоий зарурат эканлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда юртимизда ёшларни касбга йўналтириш билан боғлиқ масалалар эҳтимолий муваффақият билан амалга оширилаётган ижтимоий масала деб эътироф этилишга етарли асослар йўқ. Чунки, мавжуд тизимда мактаблар, касб-хунар таълими муассасалари, таълимни бошқариш органлари, иш берувчилар, меҳнат ва бандлик агентликлари, касбга йўналтириш марказлари ҳамда бошқа масъул ташкилотлар ўртасидаги конструктив алоқалар занжирининг йўқлиги мазкур илмий мулоҳазамизни асоси бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда, ёшларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш меҳнат бозори конъюнктураси томонидан белгиланган мақсад ва вазифалар қисман мактаби ва ОТМ битирувчилари меҳнат бозорига йўналтиришни

минимал даражадаги қўллаб-қувватлаш уйғун занжири билан нисбатан боғланган ҳолос.

Шу нуктаи назардан, мамлакатимизда ёшларни касбга йўналтиришнинг қўллаб муаммолари мавжуд бўлиб, илмий нуктаи назардан тадқиқ этиш, касбий йўналтиришнинг замонавий ва миллий ёндашувларини ишлаб чиқиш лозим. Бунда, хорижий мамлакатларининг илмий ва амалий ёндашувларини ўрганиш, шу асосида мамлакатимизда ижтимоий муаммо бўлиб қолаётган ёшларни касбий йўналганлигини, халқаро тажрибалар асосида узлуксиз таълим жараёни билан боғлаш ҳамда маҳаллий илмий ёндашувларни амалий жиҳатдан таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

Ёшларни касбга йўналтиришнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари мустақил концепцияси сифатида биринчи марта АҚШда йигирманчи асрнинг бошларида пайдо бўлган бўлиб, мазкур фаолият Френка Парсонса томонидан илгари сурилган ҳамда 1908 йилда Бостонда "Касб танлаш бюроси"га асос солинган. Унинг, "Касб танлаш" асари 1909 йилдан бошлаб, АҚШда касбга йўналтириш бўйича мутахассисларнинг асосий қўлланмасига айланган бўлиб, унда "талантни йўналганлигини мувофиқлаштириш" ёндашуви ёшларни барча соҳа ва касбга йўналтиришда эътибор бўлиб хизмат қилади.<sup>1</sup>

Канада мамлакатда мактаб ўқувчиларни касбга йўналтириш тажрибаси ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан гуманитарлаштирилган бўлиб, ушбу тажрибадан жамиятимиз таълим тизимида фойдаланиш ижтимоий зарурат эканлиги нуктаи назардан, фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Мактабда ўқувчиларни касб танлашда тўлиқ касбий билим ва тушунчаларга эга бўлишлари учун мактаб ўқувчиларининг турли касб вакиллари билан учрашувлари мунтазам ташкил этиб бориш, "Қобилиятга кўра карьерани режалаштириш" деб номланган махсус дарсликни мактаб таълим тизимга олиб кириш ҳамда мазкур дарсликнинг мазмуни жамиятда мавжуд бўлган барча касблар, уларнинг хусусиятлари ва шахсга қўядиган талаблари даражасидан шакллантирилган замонавий педагогик технологиялар асосида ишлаб чиқилганлиги билан тавсифланиши лозим. Шунингдек, канада мамлакатада бўлган каби, мактаб ёшларни касбий иқтидор ва қобилиятини рағбатлантириш ҳамда эрта касбий малакаларни шакллантириш юзасидан давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан грант ва бошқа ижтимоий-иқтисодий реал тизимга асосланган, дискриминация ва буйракратик тўсиқларда ҳоли бўлган, шаффоф

<sup>1</sup> Parsons Frank. Choosing a vocation. Boston and New York: Publishing Houghton Mifflin Company. 1909. 182 p.

молиялаштириш фондлари орқали “Стартап” лойиҳаларни амалга оширишнинг ижтимоий педагогик омилларини ишлаб чиқиш ва жамият ҳаётига реализация этиш, бугунги кунда “ёшлар ва касб” тушунчаси билан боғлиқ ижтимоий муаммоларни минималлаштириш имкониятини юзага чиқаради.

Франция мамлакат мактаб ўқувчиларини касбий йўналганлигини таъминлаш бўйича, Европанинг илғор мамлакатларидан бўлиб, ёшларни касбий йўналганлигини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мувофиқлашув триадаси негизда ташкиллаштирган бўлиб, мукамал ва барқарор тизимни шакллантирган. Мазкур мамлакатда ёшларнинг касбий йўналганлигини таъминлаш ва касбий ўзини ўзи англашга амалий ёдам бериш тизими давлат даражасидаги сиёсий масала сифатида кўрилиб, амалий жихатдан таълим, меҳнат ва соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан назорат қилинади ва амалга оширилади.<sup>2</sup>

Буюк Британияда ёшларни касбга йўналтириш масаласи 1973 йилдаги махсус қонун билан тартибга солинган бўлиб, мазкур масала таълим ва жамиятдаги барча соҳалар мувофиқлашувида амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Ёшларни касбга йўналтириш фаолияти сертификатланган профессионал мутахассис-маслаҳатчилар томонидан амалга оширилиб, касбий йўналтириш агентликлари томонидан меҳнат бозори талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда тартибга солиниши тизимлаштирилган. Мактаб ўқувчиларининг касбий йўналганлиги, касб танлаш жараёнида ўз иқтидор ва қобилиятини намоён этиши юзасидан мактабда доимий тушунтириш ишлари олиб борилиб, амалий маслаҳатлар бериб борилади. Шунингдек, мактаб таълимида касб танлаш бўйича мажбурий махсус дарслар ташкил этилган бўлиб, мактаб дастурларида киритилган ҳамда юқори даражада ва савияда ўтилиши белгиланган.

Франция ва Буюк Британия мамлакатларининг ёшларни касбга йўналтириш тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда жамиятимизда “*Бандлик* ва меҳнат муносабатлари *вазирлиги*, *Олий таълим*, *фан ва инновациялар вазирлиги*, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси” ваколат ва фаолиятлар мувофиқлигида Педагогика ОТМларда ёшларни касбга йўналтирадиган (Амалий психология йўналиши таркибида “Касб психологи”) мутахассисларни тайёрлаш ва жамият ҳаётига йўналтириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жараён юқорида таъкидлаб ўтган Канада тажрибасини амалда қўллаш ва мувофиқлаштиришнинг амалий натижаси бўлиб, “Қобилиятга кўра карьерани режалаштириш” деб номланган махсус

фанни мактаб таълим тизимда ўқитиш ва ёшларга жамиятда мавжуд бўлган барча касблар ҳақида маълумот бериш ҳамда истиқболда Франция тажрибасида юқори натижа бериб келаётган ёшларни касбга йўналтириш ва жалб этиш марказларни, жамиятимиз ҳаётида пайдо бўлиши негизда фаолият олиб бориб жамиятимиздаги ёшлар бандлиги, ўткир ижтимоий муаммо бўлган кадрлар қўнимсизлиги билан боғлиқ масалаларни амалий ечими бўлиб хизмат қилади.

Германия федерациясида ўқувчиларни касбий йўналтириш махсус ишлаб чиқилган сўров, тест, суҳбат жараёнларига асосланган комплексли жараёнда ташкил этилиб, махсус мутахассислар консилиум маслаҳатлашуви асосида амалга оширилиб, масъул ташкилотлар билан қўшма тадбирлар орқали амалга оширилади. Мазкур жараёнда, ҳар бир ўқувчининг индивидуал касбий йўналганлик дафтари тўлдирилиб, оилавий шароити, шахсий манфаати, қизиқиш ва қобилияти, мойиллик даражаси ҳамда дастлабки касбий йўналганлиги ва кейинги касбий деформация ҳақида умумий маълумотлар акс этади. Шунингдек, ўқувчининг индивидуал касбий йўналганлик дафтарида ўзлаштириш билан боғлиқ академик кўрсаткичлар, имтиҳонлар натижалари. Касбий йўналганликка оид тест натижалари тўғрисидаги қўшимча маълумотлар қайд этилиб, махсус мутахассислар консилиум маслаҳатлашуви қарорини асоси бўлиб хизмат қилади. Агар жоиз бўлса, махсус мутахассислар консилиум маслаҳатлашувига зарурийлик нуқтаи назарида бошқа соҳа мутахассислари ҳам жалб этилади<sup>3</sup>.

Швеция таълим тизимида ёшларни касбга йўналтириш, давлат томонидан тартибга солинган юқори даражадаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий масала бўлиб, касбга йўналтириш фаолияти ва меҳнат бозори эҳтиёжлари нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда асосий эътибор, меҳнат бозори талаб ва таклифидан келиб чиққан ҳолда жамият соҳалари билан таълим тизими ўртасидаги мувозанат уйғунлиги таъминланган. Мазкур мамлакатда ёшларни касбий йўналганлигини муваффақиятли амалга ошириш учун давлат даражасидаги "Ҳаёт зинапоясида қайерга кадам қўйиш керак" махсус дастури жорий этилган бўлиб, таълим тизими касбий йўналганлик диагностика қилиниб, касб танлаш билан боғлиқ бўлган барча жараёнлар комплекс ўрганилган ҳолда, касбга йўналтиришнинг барча жиҳатлари ҳар томонлама камраб олинган ҳамда ижтимоий касбий фаолият кафолатланган. Мазкур жараён, ёшларни касбга йўналтиришнинг "Швед модели" деб номланган бўлиб, мактабларида

<sup>3</sup> Профессиональная ориентация школьников. Аналитическая записка / под ред. Н. М. Клыгина, Н. А. Лифантьевой. Вологда, 2010. 81 с.

Ўқувчиларни касбий йўналтиришга мувофиқлаштирилган мутахассислар фаолият олиб бормади. Бу вазифани фан ўқитувчилари амалга оширади. Шунинг учун ҳам швед мактабларида фаолият олиб борадиган барча ўқитувчилардан юқори касбий профессионализм малакаларига эга бўлиш ҳамда педагогик компетенцияни юқори даражада эгаллашини талаб этади.<sup>4</sup>

Дания таълим тизимида ёшларни касбга йўналтириш махсус концепциясига асосланган бўлиб, миллий ижтимоий қадрият сифатида эътироф этилган ҳолда, кўп йиллар давомида мавжуд бўлган норасмий “Ёшлар учун очик таълим” дастури анъаналарига мувофиқ ташкил этиб келинмоқда. Мактаб ўқувчиларининг қизиқиши, иқтидор ва қобилиятидан келиб чиқиб амалий фаолиятга жалб этиш кенг йўлга қўйилган. Ўқувчилар катталар сингари турли лойиҳаларга кўнгил бўлиб иштирок этиши таъминланган ҳамда ижтимоий фаолиятдаги фаоллиги рағбатлантирилиб, давлат ва жамият томонидан ҳар бир муваффақият очиклик ва шаффофлик тамойили асосида рағбатлантирилиб боради. Мазкур “Ёшлар учун очик таълим” дастури аниқ белгиланган муддат билан чегараланмаган ҳолда, дарслар гуруҳлар ташкил этилгандан кейин бошланади ва таълим вазирлигининг тегишли аккредитациясини олган 460 та таълим муассасаларидан бирда амалга оширилади. Ўқув йили камида 40 ҳафта давом этиб, ўқув ҳафтаси 35 соатни ташкил этади ҳамда ўқувчилар ўзини ўзи касбий амалий фаолиятга тайёрлашлари учун мазкур вақт ҳисобга олинган. Ўқувчининг қизиқиш ва эҳтиёжлар, ҳамда қобилият ва иқтидорига мувофиқ, профессионал маслаҳатчи (ўқитувчи) бириктирилиб индивидуал таълим траекторияси ишлаб чиқилади. “Ёшлар учун очик таълим” Қўшма Кенгаши томонидан тасдиқланади ҳамда мазкур лойиҳани амалга ошириш учун вазирлик томонидан бириктирилган ОТМ, аккредитациядан ўтган таълим муассаса ва жамоатчилик ахборот марказлари билан функционал фаолият мувофиқлиги таъминланган ҳолда вазифа ва мажбуриятлар белгилаб олинади. Ушбу лойиҳада иштирок этиб назарий ва амалий билимларни ўзлаштирган ўқувчи (битирувчи)ларга таълим ва академик кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумот тақдим этилади ҳамда натижасига кўра ўқишни давом эттириш ёки касбий фаолиятда иш бошлаши учун тавсиянома ҳамда мутахассислик дипломлар берилади<sup>5</sup>.

<sup>4</sup> Гриншпун С. С. Подготовка учащихся к жизни и труду в школах Швеции // Педагогика. 2007. № 3. С. 71–78.

<sup>5</sup> Федотова Е. Е. Теория и практика подготовки к занятости учащихся общеобразовательных школ и профессионально-технических учебных заведений зарубежных стран: дис. ... д-ра пед. наук. Томск, 2003. 373 с.

Бизнингча, Дания таълим тизимдаги “Ёшлар учун очик таълим” дастури иқтидорли ва қобилиятли ёшларни қўллаб қувватлашни либерал шакли бўлиб, бугунги кунда ОТМ ва мактаб ўртасида ташкил этилаётган педагогик таълим инновацион кластерининг “Академик мобиллиги” лойиҳасини ишлаб чиқишга асос бўлиши мумкин. Мазкур ёндашув илмий, назарий ва амалий жихатдан чуқур ўрганилиши ва маълум низом асосида шакллантирилиб жамият ҳаётига реализация этиши, жамиятимиз таълим тизимда реформатик қадам бўлиб, ёш иқтидор ва қобилиятларни эрта англаш ва касбий фаолият билан шуғулланган ҳолда давлат ва жамият, қолаверса инсоният учун аҳамиятли бўлган инновацион лойиҳа ва ғояларни туғилишига хизмат қилади. Шунингдек, мактаб, профессионал таълим ва ОТМда иқтидорли ва қобилиятли таълим олувчилар билан индивидуал ишлаш траекториясини замонавий моделини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий педагогик ва психологик муаммоларни, катта эҳтимоллик билан ечими бўлиши ҳам мумкин деган илмий фаразни илгари суришимизга асос бўлади.

Японияда ўқувчиларни касбга йўналтириш тизими мактаб таълими жараёнига қатъий интеграциялашган бўлиб, кичик мактаб ёшидан касбий йўналганликни таъминлаш таълим тизининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан, ўқувчиларни касб танлаш фалсафаси таълим олувчининг чуқур интроспекцияси ва бутун ҳаёт йўлини аниқлаш омилидир.

Японияда, ўқувчиларни касбга йўналтириш мафкураси С.Фукуяма назариясига асосланган бўлиб, XX асрнинг иккинчи ярмида мактаб таълимини тубдан ислоҳ этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-сиёсий ёндашувга мувофиқ ишлаб чиқилган "одам - касб" диагностика тамойилига асосланади.

Япония мактабларида ўқувчилари пуллик асосда ташкил этилган «Дзюку», тайёргарлик курсларида мактабдан ташқари вақтда ҳафтасига 2-3 марта кечкурунги дарслар ташкил этилади. «Дзюку» яъни "Маҳорат мактаби" репетиторлик тузилмага асосланган бўлиб, ўқувчилар мактабда ўтган назарий билимларни амалий жихатдан мустаҳкамлайди ҳамда танланган фанлар бўйича қўшимча билимларга эга бўлади<sup>6</sup>.

Япония мактабларида жорий этилган «Дзюку» яъни "Маҳорат мактаби" тажрибасини жамиятимиз мактабларида ўқитиладиган аниқ ва табиий фанларни лабораторияларида дарсдан ташқари ташкил этиш жихатларини ўрганиб чиқиб, ота-оналар (бошқа ҳомийлар: чуқур ўқитишга йўналтирилган лицей, касб-ҳунар берадиган профессионал таълим, табиий

ва аниқ фанлар чуқур ўқитилиши асосида мутахассислик берадиган ОТМлар) репетиторлик асосида мазкур соҳага қизиқиш ва қобилияти бор болаларни педагогик, психологик ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлар касбий йўналганлик траекториясини бошланғич мактабдан йўналтирса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Сингапурда таълим ва касбга йўналтириш тизими ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, ёшларни касб-хунар таълими соҳасида жиддий ўзгаришлар амалга оширилган ҳолда ишлаб чиқариш саноатига йўналтирилган техник касбий таълимни ташкил этишда иқтидор ва қобилият омилини биринчи ўринга қўйган ва уни давлат даражасида қўллаб-қувватлаган. Мазкур масалада, таълим вазирлиги касб-хунар таълими нуфузини ошириш бўйича 1992 йилда турли хил техник соҳага йўналтирилган таълим муассасаларини ташкил этиш, мазкур соҳа вакиллари узулуксиз таълим негизида шакллантириш асосида профессионал техник мутахассисликларни оммалаштириш, бунинг учун жамиятда таълим тизими ва технологияларини жорийлантириш, ундан мақсадли фойдаланишининг педагогик-психологик омилларини ишлаб чиқиш ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолиятини таълим мазмунини, унинг истиқболини кенг ёритиш масалалари билан боғлиқ бўлган миллий ва маҳаллий менталитет нуқтаи назарида амалга оширган.

Жамият ёшларига мотивация бериш ҳамда ўзи иқтидор ва қобилиятига ишониш ва намоёниш этиш, ҳамда ҳар бир истеъдод давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватланиши шахсий, касбий ва ҳаётий натижаларга эришганлигини намоён этадиган "Муваффақият ҳикоялари" номли дастурини жорий этиб, кенг оммавий ахборот воситалари орқали ёшларнинг касбий фаолият ва ижоди ёритиб борилган.

Шунингдек, "Мактаб – университет (коллеж) – иш жойи" кетма - кет занжирини ташкил этилган бўлиб, юқори, ўрта ва махсус йўналган касбий қобилиятлар йўналганлиги таъминланган ҳамда Сингапур давлат сиёсати таълим ғоясининг асоси бўлган "Фикрлаш мактаби, миллатни ўрганиш" шиори остида касбий йўналганлик миллий кадрият даражада амалга оширилган. Бундан кўзланган мақсад, ҳар бир фуқаро қобилият ва иқтидорига мувофиқ универсал ва узулуксиз таълимни ҳар томонлама чуқур эгаллаган ҳолда, маҳаллий ва дунё бозорининг ҳозирги талабларига жавоб берадиган ҳамда доимий равишда янгиланиб борадиган касбий билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш мотивацияси билан "қуроллантириш" бўлган. Мазкур ёндашув бугунги кунда ўз самарасини бериб, Сингапур

электроника ва нанотехнология бўйича дунёнинг етакчи мамлакатларидан бирига айланган

Сингапур мактабларида келажак касблари учун касбий танловга қаратилган тажрибани ар томонлама илмий–амалий жиҳатдан ўрганиб, жамиятимиз таълим тизимига жорийлантириш самарали натижа беради. Шу нуқтаи назардан, иқтидорли ёшларни қизиқиш ва қобилиятидан келиб чиққан ҳолда юқори, ўрта ва махсус йўналган касбий қобилиятлар классификациясини ишлаб чиқилиб чиқишни педагогик-психологик диагностик дастурларини замонавий авлодини яратишимиз лозим. Бунинг натижасида ҳар бир тоифани ўқитишда индивидуал ва гуруҳий таълим траекторияси ишлаб чиқилиб, ўқитиш ва таълим беришда интенсивлик ва давомийликка мувофиқлашган касбий истиқболли таълим дастурларини янги авлодини юзага келади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш керакки, биз томонимиздан ўрганилган мамлакатларда ёшларни касбий йўналтириш тажрибаси ўзига хослиги ҳамда юқори даражада ривожланишига қарамай, бир қатор муаммо ва қарама-қаршилиқлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан, ҳар қандай касбга йўналтириш тизимининг асосий мақсади, жамиятнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш ҳамда мувозанатли меҳнат бозорини бошқарган ҳолда рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашдир. Шунингдек, узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш орқали, жамият ёшларини касбий қизиқиш, қобилият ва иқтидорини эрта аниқлаб, давлат ва жамиятга керакли мутахассис этиб тайёрлаш асосида, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий маърифий соҳаларни янада юксалтиришга қаратилган ислохотларга замонавий инновацион педагогик таълим технологиялари ютуқларини намоён этиш, таълим сифати ва самарадорлигига эришиш ҳамда миллий менталитет нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, ёшларни касбга йўналтиришнинг оптимал лойиҳасини илмий асосини ишлаб чиқиш, ижтимоий педагогик-психологик масалалардан бири эканлигидир.

### FOYDALANGAN ADABIYOTLAR:

1.<sup>1</sup> Шамсутдинова И. Г., Павлова О. И. Профессиональная ориентация учащихся во Франции // Педагогика. 2007. № 4. С. 101–111.

2.<sup>1</sup> Профессиональная ориентация школьников. Аналитическая записка / под ред. Н. М. Клыгина, Н. А. Лифантьевой. Вологда, 2010. 81 с.



3. <sup>1</sup> Гриншпун С. С. Подготовка учащихся к жизни и труду в школах Швеции // Педагогика. 2007. № 3. С. 71–78.
4. <sup>1</sup> Алишев Т. Б., Гильмутдинов А. Х. Опыт Сингапура: создание образовательной системы мирового уровня // Вопросы образования. 2010. № 4. С. 227–246.
5. Гуткин М. С. Использование Фтеста для диагностики развития профессионального самосознания школьников // Психология. 1999. № 3. С. 114–121.
6. Юсупова, О. (2023). DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(8).
7. Sevara, A., & Akhmadaliyeva, D. (2023). The Major Issues in Teaching and Writing of Contemporary Literature. Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation (2993-2777), 1(9), 91-95.
8. Akhmadaliyeva, D. R., & Igamberdieva, S. A. Methodology of Developing Media Competence In The Process of Teaching English to Students of Technical Higher Educational Institutions. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT.
9. Sevara, A., & Akhmadaliyeva, D. (2023). The Major Issues in Teaching and Writing of Contemporary Literature. Information Horizons: American Journal of Library and Information Science Innovation (2993-2777), 1(9), 91-95.
10. Akhmadaliyeva, D. R., & Igamberdieva, S. A. Methodology of Developing Media Competence In The Process of Teaching English to Students of Technical Higher Educational Institutions. Pindus Journal of Culture, Literature, and ELT.